


**“Келишилган”**

Тошкент шаҳар Махсус суғориш  
ускуналарини таъмирлаш ва сақлаш  
иختисослаштирилган бошқармаси  
бошлиғи



 А. Юлдашев

“ 24 ” 02 2022 й.

**“Тасдиқлайман”**

Тошкент шаҳар ҳокимиятининг  
“Ягона буюртмачи хизмати”  
инжиниринг компанияси  
бош инженери



 С.С. Сагдиев

“ 24 ” 02 2022 й.

**“Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Ойбек, Янги Қўйлик,  
Содиқ Азимов, Нукус, Шахрисабз кўчаларида суғориш  
системалари ва сув чиқариш қудуқларини қуриш ҳамда  
кўкаламзорлаштириш ишлари”  
объекти бўйича ишчи лойихани ишлаб чиқиш юзасидан**

**ТЕХНИК ТОПШИРИҚ**

Тошкент ш. – 2022й.

№	Асосий маълумотлар ва қўйиладиган талаблар рўйхати	Асосий маълумотлар ва қўйиладиган талаблар
1	Объект номи	“Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Ойбек, Янги Қўйлик, Содик Азимов, Нукус, Шаҳрисабз кўчаларида суғориш системалари ва сув чиқариш қудуқларини қуриш ҳамда кўкаламзорлаштириш ишлари”
2	Лойихалаштириш учун асос	Тошкент шаҳар ҳокимининг 11.02.2022й. даги 121-14-0-Q/22-сонли қарори
3	Қурилиш, реконструкция ишлари олиб бориладиган ҳудуд	Тошкент шаҳар, Миробод тумани. Тошкент шаҳар ҳокимининг 11.02.2022й. даги 121-14-0-Q/22-сонли қарорининг 1-илоvasида кўрсатилган адреслар: 1) Ойбек кўчаси; 2) Янги Қўйлик кўчаси (1-участка); 3) Янги Қўйлик кўчаси (2-участка); 4) Янги Қўйлик кўчаси (3-участка); 5) С. Азимов кўчаси; 6) Нукус кўчаси; 7) Шаҳрисабз кўчаси Ойбек метроси ёнида; 8) Шаҳрисабз кўчаси, 38-уй ёнида;
4	Қурилиш тури	Янги қурилиш ва кўкаламзорлаштириш.
5	Буюртмачи ва унинг адреси	Тошкент шаҳар ҳокимиятининг “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси Тошкент шаҳар, Ислон Каримов проспекти 16а -уй
6	Бош лойиха ташкилоти	Танлов асосида аниқланади
7	Бош қурувчи пудрат ташкилоти	Тендер савдолари асосида аниқланади
8	Лойихалаштириш босқичи	Ишчи лойиха
9	Молиялаштириш манбаи	Давлат бюджети маблағлари
10	Қурилишнинг бошланиш ва яқунлаш муддати	2022 - йил
11	Қурилиш объектнинг характеристикаси, сейсмикаси, ер чўкувчанлик гуруҳи, объектнинг бугунги кундаги геологик ва мелиоратив ҳолати	Сейсмиклик даражаси ҚМҚ 2.01.03-96 га биноан қабул қилинади. Ер чўкувчанлик гуруҳи геологик қидирув ишлари орқали аниқланади.

№	Асосий маълумотлар ва қўйиладиган талаблар рўйхати	Асосий маълумотлар ва қўйиладиган талаблар
12	Лойihalаштириладиган коммуникациялар ва ер усти жихозларини қўриқлаш системаси бўйича тадбирлар.	Зарур бўлган участкаларда лойihalаштириладиган ер усти бино ва иншоотлари учун замонавий қўриқлаш системаси лойihalаштирилсин.
13	Зарур бўлган лойихаолди ва лойиха-қидирув ишлари бўйича талаблар	<p>13.1. Архитектура - режалаштириш топшириқлари – буюртмачи тақдим этади;</p> <p>13.2. Объект худуди ва зарур бўлган участкалари бўйича, бош лойиха ташкилотини талаблари асосида топосъемкалар тайёрлаш – буюртмачи тақдим этади;</p> <p>13.3. Зарур бўлганда объект территориясида ва объект территориясидан ташқарида жойлашган хусусий мулк эгаларидан ва ташкилотлардан рухсат олиш – буюртмачи бажаради;</p> <p>13.4. Лойиха-смета хужжатларини давлат шаҳарсозлик экспертизасидан ўтказиш – буюртмачи бажаради;</p> <p>13.5. Лойихани экологик экспертизадан ўтказиш – буюртмачи бажаради;</p> <p>13.6. Лойиха-смета хужжатларини Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги хузуридаги Лойихалар ва импорт контрактларни комплекс экспертиза қилиш марказидан экспертизадан ўтказиш – буюртмачи бажаради;</p> <p>13.7. Лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш (ишчи лойиха) – бош лойиха ташкилоти бажаради;</p> <p>13.8. Лойиха-смета хужжатларига киритиш учун муҳандислик ва технологик жихозларни танлаш – бош лойиха ташкилоти бажаради;</p>

№	Асосий маълумотлар ва қўйиладиган талаблар рўйхати	Асосий маълумотлар ва қўйиладиган талаблар
13	Зарур бўлган лойихаолди ва лойиха-қидирув ишлари бўйича талаблар	<p>13.9. Объект бош планини ишлаб чиқиш, қурилиш майдони ўлчамларини олиш ва тегишли ташкилотлар билан келишиш – бош лойиха ташкилоти бажаради;</p> <p>13.10. Объект территориясидаги ва зарур бўлганда территориядан ташқари ер остини мелиоратив, геологик, гидрогеологик ҳолатини текшириш ва шу каби бошқа кузатув ишларини олиб бориш ва ҳулоса тайёрлаш – бош лойиха ташкилоти бажаради;</p> <p>13.11. Ер ости сув чиқариш кудукларини қазиш учун дастлабки лойиха материалларини тайёрлаш ва кудукни қазиш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасидан ва бошқа тегишли ташкилотлардан рухсат олиш – бош лойиха ташкилоти бажаради.</p> <p>13.11а Зарур ҳолларда объектдаги мавжуд бино ва иншоотлар ҳамда муҳандислик коммуникацияларини техник инструментал кўриқдан ўтказиш – бош лойиха ташкилоти бажаради;</p> <p>13.12. Зарур ҳолларда объектдаги мавжуд бино ва иншоотлар ҳамда муҳандислик коммуникацияларини техник кузатувдан ўтказиш (визуальное обследование) – бош лойиха ташкилоти бажаради;</p> <p>13.13. Лойихалаштириладиган ер усти иншоотларини экстерьер дизайнини, жумладан тунги кўринишини ишлаб чиқиш ва объект ландшафт дизайнини ишлаб чиқиш – бош лойиха ташкилоти бажаради.</p> <p>13.14. ШНК 3.01.01-03 ва КМК 1.03.03-97 га асосан ЛСХ таркибида қурилишни ташкиллаштириш лойихасини ишлаб чиқиш -бош лойиха ташкилоти бажаради.</p> <p>13.14а Лойиха -смета ҳужжатларини тегишли ташкилотлар, жумладан Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармаси, Тошкент шаҳар ободонлаштириш бош бошқармаси, Энергия назорати ташкилотлари билан келишиш – бош лойиха ташкилоти бажаради.</p> <p>13.15. Лойихани атроф-муҳитга таъсири бўйича ҳулоса ишлаб чиқиш (ЗВОС) – бош лойиха ташкилоти бажаради;</p> <p>13.16. Лойихани Шаҳарсозлик Кенгашидан ўтказиш ва ҳулоса олиш – лойиха ташкилоти бажаради.</p>

№	Асосий маълумотлар ва қўйиладиган талаблар рўйхати	Асосий маълумотлар ва қўйиладиган талаблар
13	Зарур бўлган лойихаолди ва лойиха-қидирув ишлари бўйича талаблар	<p>13.17. Объектни лойихалаштириш билан боғлиқ айрим лойихаолди ҳужжатларини тайёрлаш – лойиха ташкилоти бажаради буюртмачи билан ўзаро келишилган ҳолда;</p> <p>13.18. Лойихалаштириш жараёнида техник кенгашлар, мажлис ва тегишли ташкилотлар билан учрашувлар ўтказиш – буюртмачи ва бош лойихачи томонидан ташкиллаштирилади.</p>
14	Шахарсозлик талаблари	<p>14.1. ШНҚ 2.07.01-03. асосан қурилиш-монтаж ишлари жараёнида бузилган йўл ва тротуарлардаги қопламаларини қайта тиклаш.</p> <p>14.2. Лойихалаштириладиган иншоотни муҳофаза ҳудудини таъминлаш.</p> <p>14.3. Лойихалаштириладиган объектга яқин бўлган коммуникациялар ва иншоотларни муҳофаза ҳудудини таъминлаш.</p> <p>14.4. Лойихалаштириладиган ер усти иншоотлари атрофини ободонлаштириш.</p> <p>14.5. Объект бош планини ишлаб чиқиш.</p>
15	Лойихалаштиришнинг махсус шартлари ва қурилиши зарур бўлган коммуникациялар ва иншоотлар номи	<p>15.1. Лойихалаштириш ишларида ушбу техник топшириқ, қурилиш нормалари, техник текширув натижалари ва буюртмачи талаблари эътиборга олинсин.</p> <p>15.2. Лойиха ишларига қўшимча талаблар ёки лойиха ишларига ўзгартириш киритиш фақат буюртмачининг расмий мурожаатига ҳамда лойиха ташкилотининг асосли таклифига мувофиқ амалга оширилади.</p> <p>15.3. Суғориш системалари ва сув чиқариш қудуклари учун ўрнатиладиган насослар, электр жихозлари, кабеллар, бошқарув пултлари ва бошқа жихоз ва материаллар тури, маркаси, ўлчамлари лойиха асосида аниқлансин.</p> <p>15.4. Суғориш системалари ва сув чиқариш қудуклари ва бошқа жихозларни ўрнатиш жойлари кўчаларнинг бугунги кундаги йўл-транспорт ситуациясига қараб ҳамда трансформатор подстанциясига яқинроқ бўлган жойларда лойиха асосида аниқлансин.</p> <p>15.5. Сув манбаи лойиха-қидирув ишлари асосида аниқлансин.</p> <p>15.6. Суғориш системалари ва сув чиқариш қудуклари яқин-атрофдаги маданий-маиший, турар-жой, савдо объектларига ва йўл-транспорт инфраструктурасига салбий таъсир этмайдиган ҳолда лойихалаштирилсин.</p>

№	Асосий маълумотлар ва қўйиладиган талаблар рўйхати	Асосий маълумотлар ва қўйиладиган талаблар
15	Лойихалаштиришнинг махсус шартлари ва қурилиши зарур бўлган коммуникациялар ва иншоотлар номи	<p>15.7. Лойихада электр хавфсизлиги кўзда тутилсин. Электр жихозлари, тармоқлари болалар қўли етмайдиган этиб жойлаштирилсин, хавфсизлик панжаларлари, заземления, бошқарув пулт кабиналари, шкафчалари ишончли қулфланиши масалаларига алохида эътибор берилсин.</p> <p>15.8. Суғориш системалари ва сув чиқариш кудуклари жихозларида зарур бўлган маълумотлар кўрсатилган табличкалар кўзда тутилсин.</p> <p>15.9. Лойиха-смета ҳужжатларида кўкаламзорлаштириш ишлари кўзда тутилсин. Бу бўлимда табиий ер қатламини биогумус, органик-минерал ўғитлар ёрдамида тайёрлаш ва газон уруғларини сепиш кўзда тутилсин.</p> <p>15.10. Лойихада энергия тежамкор материаллар, жихозлар ва системалар кўзда тутилсин.</p> <p>15.11. Объектни электр таъминоти улаш нуқталари, суғориш кудукларига ва тармоқларига бўлган талаблар ва бошқа талаблар тегишли ташкилотларни техник шартлари асосида амалга оширилсин. Техник шартларни олиш учун лойиха ташкилоти томонидан керакли қувватлар ҳисоблаб чиқилиб буюртмачига тақдим этилади;</p> <p>15.12. Объект жорий нархи ШНК 4.01.16-09 ва бошқа норматив ҳужжатлар талаблари асосида ҳисоблансин. Смета ҳужжатларини тузишда ресурслар нархи қурилиш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилаётган каталог, Давлат статистика қўмитаси расмий сайтидаги (stat.uz) қурилиш материалларининг жорий нархлари, машина ва механизмлар хизмати учун ўртача нархлар ҳамда ўртача иш ҳақи кўрсаткичларидан, ишлаб чиқарувчилар прайс-листлари ҳамда қонунда таъқиқланмаган бошқа манбаалардан фойдаланилсин.</p> <p>15.13. Лойиха албомларида объектда ўрнатиладиган барча жихозлар, материаллар ўрнатиш жойлари, тармоқларни уланиш нуқталари, траншеялар кўрсатиб ўтилсин ва материал, жихозлар спецификациялари тайёрлансин.</p> <p>15.14. Лойихалаштириш жараёнида илғор чет эл тажрибаси ҳам ўрганилсин.</p>

№	Асосий маълумотлар ва қўйиладиган талаблар рўйхати	Асосий маълумотлар ва қўйиладиган талаблар
16	Объектнинг лойихавий қуввати бўйича дастлабки маълумотлар	<p><b>16.1. Ойбек кўчаси:</b>  -электр кабель узунлиги-200 пм.  -сувғориш қувирларининг узунлиги 2000 пм.  -сувғориш режалаштирилаётган қисмининг узунлиги 500 пм.  – кўкаламзорлаштириш ишлари 2800 м<sup>2</sup>.</p> <p><b>16.2. Янги Қуйлик кўчаси (1-участка):</b>  -электр кабель узунлиги-100 пм.  -сувғориш режалаштирилаётган қисмининг узунлиги 800 пм.  – кўкаламзорлаштириш ишлари 3200 м<sup>2</sup>.</p> <p><b>16.3. Янги Қуйлик кўчаси (2-участка):</b>  -электр кабель узунлиги-150 пм.  -сувғориш қувирларининг узунлиги 1250 пм.  -сувғориш режалаштирилаётган қисмининг узунлиги 500 пм.  – кўкаламзорлаштириш ишлари 3000 м<sup>2</sup>.</p> <p><b>16.4. Янги Қуйлик кўчаси (3-участка):</b>  -электр кабель узунлиги-150 пм.  -сувғориш қувирларининг узунлиги 1250 пм.  -сувғориш режалаштирилаётган қисмининг узунлиги 500 пм.  – кўкаламзорлаштириш ишлари 3000 м<sup>2</sup>.</p> <p><b>16.5. С. Азимов кўчаси:</b>  -электр кабель узунлиги-100 пм.  -сувғориш қувирларининг узунлиги 1800 пм.  -сувғориш режалаштирилаётган қисмининг узунлиги 600 пм.  – кўкаламзорлаштириш ишлари 3500 м<sup>2</sup>.</p> <p><b>16.6. Нукус кўчаси:</b>  -электр кабель узунлиги-220 пм.  -сувғориш режалаштирилаётган қисмининг узунлиги 500 пм.  – кўкаламзорлаштириш ишлари 3000 м<sup>2</sup>.</p> <p><b>16.7. Шаҳрисабз кўчаси, Ойбек метроси ёнида:</b>  -электр кабель узунлиги-200 пм.  -сувғориш қувирларининг узунлиги 1000 пм.  -сувғориш режалаштирилаётган қисмининг узунлиги 500 пм.  – кўкаламзорлаштириш ишлари 3000 м<sup>2</sup>.</p> <p><b>16.8. Шаҳрисабз кўчаси, 38-уй ёнида:</b>  -электр кабель узунлиги-250 пм.  -сувғориш режалаштирилаётган қисмининг узунлиги 500 пм.  – кўкаламзорлаштириш ишлари 3200 м<sup>2</sup>.</p>

№	Асосий маълумотлар ва қўйиладиган талаблар рўйхати	Асосий маълумотлар ва қўйиладиган талаблар
16	Объектнинг лойихавий қуввати бўйича дастлабки маълумотлар	16.9. Ушбу техник топшириқни 16.1. – 16.8. – пунктларидаги кўрсаткичларга мавжуд йўл-транспорт инфраструктураси ҳолатига қараб, тегишли ташкилотларни, жумладан маҳаллий ҳокимият органлари, буюртмачи ва экспертиза органларини асосли талабларига кўра ҳамда топогеодезия ишлари натижасига кўра аниқлик киритилади.
17	Технологик процесслар ва жихозларга қўйиладиган талаблар	17.1. Лойихада замонавий, энергия тежамкор, инновацион ва автоматик тарзда ишлайдиган муҳандислик жихозлари кўзда тутилсин; 17.2. Лойихада Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган жихозлар, кабеллар, трубалар, изоляция материаллари ва бошқа конструкциялардан фойдаланиш кўзда тутилсин.
18	Экология, табиатни ва атроф-муҳитни асраш бўйича талаблар	18.1. Лойихани атроф-муҳитга таъсири бўйича ҳулоса ишлаб чиқиш (ЗВОС) – лойиха ташкилоти томонидан тақдим этилади; 18.2. Лойихада кўп йиллик дарахтларни кесилишига йўл қўйилмасин.
19	Фуқаро муҳофазаси ва фавқулодда вазиятларни олдини олиш бўйича чоралар	Тошкент шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармасининг талаблари ва норматив ҳужжатлар асосида.
20	Ёнғин хавсизлиги талаблари	ШНҚ 2.01.02-04 талабларига асосан бажарилсин.
21	Ташқи муҳандислик тармоқларига бўлган талаблар.	Ташқи муҳандислик тармоқлари лойихаси АРТ-2 қисм ва техник шартларга асосан ишлаб чиқилсин; Электр ва суғориш тармоқлари техник шартларга асосан бажарилсин. Ушбу тармоқларни объектдан улаш нуқталаригача бўлган масофасини иқтисодий томонлари ҳам ўрганилсин.



№	Асосий маълумотлар ва қўйиладиган талаблар рўйхати	Асосий маълумотлар ва қўйиладиган талаблар
22	Буюртмачига тақдим этиладиган ЛСХ хажми	ШНК 1.03.01-08га асосан: - ишчи лойиха - 3 экзemplяр; - ишчи лойиха электрон версияси ПДФ форматда - 1 лазер дискда;  - смета хужжати – 1 экзemplяр; - смета хужжатини электрон варианты – 1 лазер дискда;  - иллюстратив материаллар, жумладан экстерьер, ландшафт дизайн ишлари, кундузги ва тунги кўриниш билан юқори сифатли қоғозларда – 1 экзemplяр; - иллюстратив материаллар электрон версияси – 1 лазер дискда;

**“БУЮРТМАЧИ”:**

Тошкент шаҳар ҳокимиятининг “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси бирламчи рухсат берувчи, лойиха хужжатлари ва танлов хужжатларини тайёрлаш бўлими бошлиғи



Ш. Қодиров

Тошкент шаҳар ҳокимиятининг “ЯБХ” ИК бирламчи рухсат берувчи, лойиха хужжатлари ва танлов хужжатларини тайёрлаш бўлими бош мутахассиси



Ф. Рихсиллаев

Тошкент шаҳар ҳокимиятининг “ЯБХ” ИК бирламчи рухсат берувчи, лойиха хужжатлари ва танлов хужжатларини тайёрлаш бўлими бош мутахассиси



Х. Юсупов